

## Факультет биринчи курс талабаларини қабул қилди

Жорий йилнинг 4 сентябрь куни “Гидромелиорация” факультети декани Алишер Мирзатиллоевич Фатхуллоев биринчи курсга тавсия этилган талабалар билан учрашди.

Учрашув давомида факультет декани талабаларни Республикамиз мустақиллигининг 28 йиллиги ҳамда уларга талабалик бахти насиб этганлиги билан муборакбод этди. Факультет декани талабаларга “Биринчи курс мактаби” мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берди.

Шу билан бирга Олий таълим тизимида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар ва тизимдаги янгиликлар билан бир қаторда олий даргоҳимиз тарихи, унинг нуфузи ҳақида муфассал маъруза ўқиди.



ГМ декан ўринбосари С. Мансуров ахбороти  
Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов